ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01028

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ ЭЛЕКТРОН-МОДУЛЛИ УСУЛЛАРИ

О. М. Жабборова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада бошланғич таълимда масофавий ўқитишнинг электрон-модулли усуллари тахлил этилган ва мазкур масала бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: бошланғич таълим, ўқитиш, электрон, модул, усул, инновация, малака, кўникма.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида ўқитишнинг кредит-модул тизими жорий этилаётганлиги муносабати билан таълимнинг барча турларида ўқитиш масаласида ўзгаришлар юзага келмоқда [1]. Шу жиҳатдан бошланғич таълимда масофавий ўқитишнинг электрон-модулли усулларини яратиш ва улар асосида янги ўқув материаллари тайёрлаш долзарб бўлиб турибди. Мазкур масалада муайян тажрибалар бўлса-да, лекин масофавий ўқитишнинг электрон-модулли усуллари бўйича яхлит методология шакллантирилган эмас [2].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Аввало бошланғич таълимда масофавий ўқитишнинг *мазмунини* белгилаб олиш тақозо этилади. Чунки бунда кредит-модул тизими воситасида ўқитишга ўтилар экан, қуйидаги муаммоларнинг назарий-методик ечимлари топилиши керак:

- масофавий таълим бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний, ақлий ва руҳий имкониятларига мос тушадими;
- бошланғич синф ўқувчилари масофавий таълим воситаларидан кутилган даражада фойдалана оладими;
- масофавий таълимнинг қайси усуллари бошланғич таълимни амалга оширишда қўл келади.

Бу муаммоларнинг назарий ечимини топиш мумкин, лекин уларнинг методологик асослари бўйича илмий-амалий ишланмалар яратиш долзарб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01028

бўлиб турибди. Шу жиҳатдан мазкур муаммоларнинг ечими бўйича бизнинг ёндашувимиз қуйидагича:

- бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний, ақлий ва руҳий имкониятларига мос тушувчи бошланғич таълим шаклларини ишлаб чиқиш лозим бўлади;

- бошланғич синф ўқувчилари масофавий таълимнинг компьютерли каби воситаларидан фойдаланиш имкониятларига эга;

- бошланғич таълимда масофавий таълимнинг компьютерли воситасига асосланган технология, анимация, мультимедия, электрон-модулли дидактик таъминот каби усулларидан фойдаланишнинг имкониятлари мавжуд.

- Шу жиҳатдан бу ўринда бошланғич таълимда масофавий ўқитишнинг электрон-модулли усули имкониятларига эътиборингизни тортамиз.

- Электрон-модулли ўқитиш-бу масофавий таълимнинг негизларидан бири бўлиб, унда асосан компьютерли технологияга таянилади. Шу сабабли мазкур усулда бошланғич синф ўқувчиларини қизиқтирувчи анимация, турли тасвирлар ва мультимедиялардан оқилона фойдаланишнинг имкониятлари мавжуд. Бошланғич синф ўқувчилари дастлабки ўқув давридаёқ компьютер воситасидан фойдаланиш кўникмаси билан қуроллантирилади. Бу масала кейинги пайтларда мактабгача таълим босқичидан бошланаётганлигини эслатиб ўтиш жоиз.

Бошланғич таълимда масофавий ўқитишнинг электрон-модулли усулида қуйидаги ўқув ва дидактик материаллар мухим ўрин тутади:

- бошланғич таълим ўқув фанлари дарсликларини электрон-модулли шаклда қайтадан тузиб чиқиш ва уларни масофавий таълим талабларига мослаштириш;

- бошланғич таълим ўқув фанлари бўйича мустақил ишлар ўқув материалларини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш методологиясини яратиш;

- бошланғич таълим ўқув фанларининг ҳар бир мавзулари бўйича электрон-модулли ўқув-дидактик материаллари тайёрлаш;

- амалий фаолиятдаги бошланғич синф ўқитувчиларини масофавий таълимнинг электрон-модулли усулидан фойдаланишга тайёрлаш.

Буларни амалга ошириш бошланғич таълимда масофавий таълимнинг электрон-модулли усулидан фойдаланиш имкониятларини юзага келтиради ва айни пайтда, ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг фаоллигига асос солади.

Бошланғич таълимнинг масофавий ўқитиш усулида кўп холларда ўқитувчи ўқув материалларини тайёрловчи ва дарс жараёнини йўналтирувчи

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01028

вазифасини бажаради. Ўқувчилар эса бунда асосий вазифаларни бажариши билан ажралиб туради, чунки масофавий таълимнинг электрон-модулли усулида ўқув материаллари қуйидаги хусусиятларга асосан тузилади.:

- назарий тушунчалар беришнинг жуда қисқалиги (асосан таъриф бериш билан чекланилади);
- ўқув материалларида мустақил топшириқларнинг турли вариантларда ва кўп ҳажмда берилиши;
- ўқув материалларининг янгиланиб бориши ва ўқувчиларни тезкор ўзлаштиришига даъват қилиниши;
- ўқув материалларидан фойдаланишнинг муддатли эканлиги.

Электрон-модулли ўқув материалларига хос бўлган бу хусусиятлар бошланғич синф ўқувчиларининг мудом дарс машғулотлари билан шуғулланишини тақозо этади. Акс ҳолда, ўқувчи ўқув материалларини ўзлаштиришда ортда қолади. Шу сабабли электрон-модулли ўқув материаллари бир неча вариантларда тузилади, айнан мана шунга биноан ўқувчилар ўзлаштириш жиҳатидан турли гуруҳларга бўлиниб боради. Эътибор берилса, ўқувчиларнинг таълим олиши фаоллашади ва ўқитувчиларнинг назорат вазифаси кучаяди.

Яқин келажакда бошланғич таълимда ҳам ўқитишнинг кредит-модул тизимига ўтиш кутилмоқда. Бу ҳол ўқувчиларнинг кредит балларини тўплаб боришни тақозо этади. Шу сабабли масофавий таълимнинг электрон-модулли усули кредитлар тўплашга йўналтирилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Бундан маълум бўладики, қуйидаги ишларни амалга ошириш зарурият бўлиб турибди:

- бошланғич таълимда ўқитиладиган гуманитар фанларнинг ўқув материалларини тўлиқ электрон-модулли шаклда тайёрлаш;
- бошланғич таълимда ўқитиладиган табиий фанларнинг ўқув материалларини электрон-модулли шаклда тайёрлаш жараёнида уларнинг турли вариантларда бўлишига эришиш;
- бошланғич таълимда ўқитиладиган аниқ фанларнинг содда ва оддий электрон-модулли шаклларини тайёрлаш.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Буларнинг барчаси бошланғич таълимда масофавий таълимнинг электрон-модулли усулини жорий этишда ўқув фанларини туркумлаштиришга таяниш лозимлигини кўрсатади. Бунда бошланғич таълимда ўқитиладиган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01028

гуманитар фанлар ягона блок тарзида ва умумий хусусиятларга эга электрон-модулли ўқув материалларига эга бўлиши керак, шу жиҳатдан табиий ва аниқ фанлар ҳам ягона туркум асосида ўқув материалларига эга бўлади.

Бошланғич таълимда масофавий таълимнинг электрон-модулли усулидан фойдаланишда ўқувчиларнинг ўзлаштиришини аниқ баҳолаш мураккабликлари мавжуд. Бизнингча, педагог олимларимиз ва амалиётчи ўқитувчилар тез орада мазкур масала бўйича аниқ ечимга келади.

Шунингдек, масофавий таълимнинг электрон-модулли усулидан фойдаланишда ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини кузатишда ҳам мураккаблик мавжуд. Мисол учун, қайси ўқувчининг маънавияти шаклланаётганлиги ва қайси ўқувчининг аҳлоқида камчиликлар юзага келаётганлигини аниқ кузатиш қийин. Шу сабабли мазкур муаммо ҳам яқин келажакда назарий-методик жиҳатдан ҳал этилиши керак.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, бошланғич таълимда масофавий таълимнинг электрон-модулли усули чуқур билим бериш ва ўқитишнинг қулайлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли мазкур модулдан фойдаланиш бошланғич синф ўқувчиларининг билим ва саводхонлик даражасини чуқурлаштиришда қўл келади.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, бошланғич таълимда масофавий ўқитишнинг электрон-модулли усули тезкорлиги, билимларни кенг бериш хусусиятига эгалиги, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг тенг фаоллигига асосланиши билан диққатни тортади. Бизни бу борада кўпроқ ўқувчиларнинг ишлаши жуда қизиқтиради. Шу сабабли мазкур усулдан фойдаланишнинг назарий, амалий ва методик асосларини ишлаб чиқиш долзўарб бўлиб турибди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // www.ziyonet.uz
2. Мардонов Ш.Қ. педагогика фанидан ўқитишнинг электрон-модулли дидактик таъминотини ишлаб чиқиш технологияси. –Т., 2021.
3. Jabborova Onakhon Mannapovna. (2019). Psycholocial and pedagogical foundations of the formation of the artistic perception of students in secondary

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01028

schools. European journal of research and reflection in educational sciences, 7(10), 9-14.

4. Jabborova Onakhon Mannapovna, Ismoilova Dilafruz Mukhiddinovna. (2020, may). Optimation of primary education. ACADEMICIA: An international multidisciplinary research journal, 10(5), 1229-1232.

5. Mardonov Sh.K., Jabbarova O.M.. Objectives of the lessons of visual arts in primary school. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 862-870.

6. Mardonov Shukurullo Kuldashevich, Khujamkulov Umid Negmatovich, Botirova Shakhlo Isomiddinovna, Shermatova Umida Safaevna.The end to educate young people with the spirit of patriotism in the context of globalization. Journal of Critical Reviews, Malaysia, 2020, Vol.7, Issue 12, pp 166-169.

7. Mardonov Shukurullo Kuldashevich, Quttibekova Guljan Tulepbaevna. Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. International journal of Psychosocial Rehabilitation, United Kingdom, 2020, Issue 07, pp. 8104-8111.

8. Jabborova Onakhon Mannapovna, Jumanova Fotima Uralovna, Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of artistic perception of future teachers. International journal of pssycological and rehabilitation, 24(4), 4087-4095.

9. Mamadaliyev K.R., Jabborova O.M., Umarova Z.A., Abdullaeva B.P. Creation of a New Generation of Teaching Literature - A Requirement of Modernity // SCOPUS *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, Vol. 24, Special Issue 1, 2020.

10. Жабборова Онахон Маннаповна, Ташпулатова Дилором Мукимовна, Бошланғич синф ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2021, pp 575-582

11. Gulyamova X. Boshlang'ich sinflarda o'qish darsidan umumlashtiruvchi darslarni tashkil etish. Academic research in educational sciences, Volume 2, Issue 1, 2021, pp 1052-1060

12. Жабборова О.М., Умарова З.А. Тарбия фанини кластер усулида ўқитишда педагогик конфликтларни бартараф этиш. Academic research in educational sciences, Issue 1, 2021, pp 582-587.

13. Жабборова О.М., Чимпулатова Ч.Д. Бошланғич таълимда Тарбия фанининг кластер усулида ўқитилиши. Academic research in educational sciences, Issue 1, 2021, pp 562-566.

14. Жабборова О.М., Ташпулатова Д.М. Ўзбекистон янги мафкурасининг педагогик талқини. Academic research in educational sciences, Volume 2, Issue 3, 2021, pp 584-589.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01028

15. Умарова З.А. Бошланғич таълим дидактикаси. Academic research in educational sciences, Issue 2, 2021, pp 556-562.
16. Ochilov Fariddun Izatulloyevich, Methods of teaching natural sciences to primary school pupils on the basis of a competent. Palarch's Journal Of Archaeology Of Egypt / Egyptology 17(6) (2020), ISSN 1567-214x. 14520-14539 бетлар.
17. Fariddun Izatulloyevich Ochilov, "Atrofimizdagi olam" va "Tabiatshunoslik" darslarini kompetensiyaviy yondashuv asosida tashkil etish jarayonini modellashtirish. The Journal of Academic Research in Educational Sciences, 1(4), (2020). ISSN 2181-1385. VOLUME 1, ISSUE 4. December 2020. Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804. Academic Research, Uzbekistan 2020. 624-629 бетлар.
18. Жабборова О.М., Бахтиёрова С.Э. Бошланғич таълим йўналишида хорижий тилларни ўқитишнинг янгича ёндашувлар тизими. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2021, pp 1040-1045.
19. Jabborova O.M. Systems For The Development Of Primary Education In The Process Of Higher Pedagogical Education. The American Journal of Social Science and Education Innovations, , 2021, 3(04), pp 449-453.